2003 YIL 6 NOYABR, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№136 (6.661). Sotuvda erkin narxda

## КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этган Марказий Осиё ҳудудий конференцияси бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Э.Мочманн раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси Бремен федерал ери Сенати делегацияси 5 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бўлди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси ва Швейцариянинг ҳамкорлик бўйича бюроси Бухоро рассомларининг кўргазмасини ўтказмоқда. У Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасида ҳамкорлик дастури доирасида ташкил этилди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар саройида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида Бадиий академия Замонавий санъат марказида «Но театри ниқоблари» деб аталган кўргазма очилди.

● Европа давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари Орол бўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга келди.

● Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган семинар атроф-муҳит тозалигига бағишланди.

● Пойтахт ҳокимлигида шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилажак фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган семинар бўлди.





**Конимех туманидаги "Қарақата" темир йўл бекати бундан уч йил олдин фойдаланишга топширилган эди. Янги бекатнинг фаолияти йўловчилар учун анчагина қулайликлар яратди. Мазкур бекатдан бир қатор поездлар қатнови йўлга қўйилган. Ҳозирда бу ерда 85 нафар киши иш билан таъминланган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бекат бошлиғи Давлатбек Нисанбаев ходимларга йўл-йўриқлар бермоқда; 2. Бекат навбатчиси Боймахон Тулегенов.**

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

# ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

ТАҲЛИЛ

***Қумқўрғон тумани пахтакорлари йиллик шартномавий режани ошириб бажарди. Оддийгина сўз. Аммо шу сўзлар замирида қанча оғирликлар, қанча заҳматлар бор?! Бу машаққатларни қандай мезон билан ўлчамоқ мумкин?!***

Деҳқоннинг 360 минг томиридан сизиб, бир йилнинг 366 кунидан - ёруғлигу қоронғулигидан ўтиб келди бу ютуқ. Шу боис "Пахта режаси бажарилди", деган хушхабар туман аҳли фикру ўйидан қуёш нуридай ўтаётган бўлса, не ажаб!

Туманда 27000 тонналик хирмон уйилди. Салкам 30 центнерга етди ҳосилдорлик. Рақамлар... Рақамлар... Улар кўзгу. Туманнинг юраги қандай ураётганлигини кўрсатиб турибди. Тан олиш керак, пахтанинг "нони" бошқа ҳамма "нонлардан" кўра қаттиқроқ. Шундай дамда деҳқонни маҳкам бағриингга босгинг келади.

Бозор иқтисоди, амалга оширилаётган ислоҳотлар "карнай-сурнай" кунларида-да, ўзининг қатъий саволларини ўртага қўйяпти: даромад қанча-ю, буромад қанча? Хирмонлардан эл не наф кўради? Юртнинг ободлиги-чи? Бу йил пахтанинг ўзидан 5,6 миллиард сўм даромад келиши кутилаяпти. 308 миллион сўм соф фойда олиш назарда тутилган. "Беш қаҳрамон", "Ўзбекистон", "Оқ қопчиғай" ширкат хўжаликлари ҳудудида 27 километр масофада табиий газ қувурлари тортилаяпти. Оддий деҳқоннинг уйида "зангори олов" ёнади. Бу кимлар учундир арзимас гапдир. Бироқ 10-15 йилдан бери "газ"нинг йўлига кўз тикканлар учун мўъжиза. Учта хўжаликда қишлоқ врачлик пункти ишга тушди, янги мактаблар қурилаяпти, болалар спорти мажмуаси бунёд этилмоқда. Маҳалла гузарларини айтмайсизми? Бари пахтанинг қудратидан.

Сурхон дарёси Қумқўрғоннинг нақд "юрагидан" оқиб ўтади. Туманнинг бошида Боботоғ. Мана шу гўзал кўриниш замирида деҳқоннинг азоби бор. Дарёдан тоққача ер баландлаб боради. Бу ерлардаги пахтазорларни қандай суғориш мумкин? Насос билан! Тумандаги пахта далаларининг 85 фоизи насос билан сув ичади. С.Бойматов номли хўжаликни олайлик. Дарёдан охирги далагача 5-6 та насос, бирининг сувини иккинчиси юқорига узатади. Битта шу тизимда минглаб гектар ер суғорилади. Тасаввур қилинг, қайсидир насосда электр қуввати узилиб қолди. Ёки бирон қисми ишдан чиқди ва ёки "авария" ҳолати бўлди... Эҳ-ҳе, насослар яна бир маромда ишга тушгунига қанча яхши-ёмон гаплар, қанча асабийлашиш... Қувончлиси шундаки, туманда режа уддаланди, бари азоблар ёддан чиқди. Ҳамма бир-бирини қутлаяпти.

"Мирзо Олим", "Анҳор", "Элбаён", "Иброҳим бобо" фермер хўжаликлари гектарига 42-53 центнердан ҳосил олишди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Тожимурод Мамараимовнинг таъкидлашича, фермерлар ҳаракатига кенг йўл очилган. Туманнинг юксалиб бораётганлигининг битта сири шунда.

Тангир Ҳакимов бошлиқ "Анҳор" фермер хўжалиги шартномадан зиёд 22 тонна пахта берди. 16 миллион 100 минг сўм даромад қилди. Пахтанинг ўзидан 10 миллионга яқин соф даромад олмоқчи. "Насиб бўлса бу йил "МТЗ-80" янги трактори оламан", дейди фермер. Ғалла-ю чорва, хизмат кўрсатишдан келаётган фойдалар қанча? Фермер бу йил 18 миллион сўм соф фойдани кўзлаяпти. Тангир Ҳакимов маблағлари ҳисобидан Гултепа маҳалла гузарини қурди. Бу ерда қишлоқдошлари учун чойхона, сартарошхона, мева-сабзавот дўкони, этикдўзлик, радио ва телевизор созлаш устахонаси ишлаяпти. Энди машиналарни таъмирлаш жойини ишга туширмоқчи. Фермер хўжалигида 35 нафар киши иш билан таъминланган. 2 километр йўлни асфальтлаганидан эса маҳалладошлари хурсанд бўлишди...

Қумқўрғонда Сурхондарёга машҳур Македон кўприги бор. Бу туман тарихининг қадимийлигидан нишона. Дарахтнинг томири қанча чуқур кетган бўлса, у шунча баланд ўсади. Қумқўрғон илдизлари бақувват чинордай шовуллаётир. Элининг аҳиллиги, заҳматкашлиги, баракасининг бутунлиги ва тўлиқлиги балки шундандир?! Зеро, оққан дарёлар оқаверади.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.**

**Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.**

**Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри суст шаклланаётгани билан боғлиқдир.**

**Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси *қарор қилади*:**

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканалини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги «Спорт» телеканалини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзтелерадио» компаниясига:

«Спорт» телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга;

Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун муддатли шартномалар тузиш ҳамда келишилган баҳоларда тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. «Спорт» телеканалининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакилларининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машҳур спортчилар тўғрисида кўрсатувлар, телерадиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш;

халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита кўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1- мукофот – энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2- мукофот – энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3- мукофот – энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги Низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь – «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетида истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида "Спорт журналистикаси" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» компанияси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадиий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 ноябрь

# ИҚТИСОДНИНГ ҚОН ТОМИРИ

ЖАРАЁН

***Бугунги кунда ҳаётимизни электр қуввватисиз тасаввур қилиш қийин. Заводу фабрикаларимиз, корхоналаримизни ишлатаётган, хонадонларимизни нурафшон қилаётган ҳам нурчилар бўладилар.***

Электр қувватининг мунтазам равишда таъминлаб келаётганлиги учун қадрига етмаймиз. Бир зумгина ўчганида унинг қанчалик бебаҳо бўлиб, бизга зарур эканлиги ёдимизга тушади, қадри билинади. Хўш, ана шу беминнат электр энергиясини кеча-ю кундуз бизга ким етказиб бераяпти? Мақоламиз ана шу ҳақда бўлади.

Электр энергиясини иқтисодимизнинг қон томири дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Электр қуввати ишлаб чиқарувчи ГЭС ва ГРЭСлардан бутун мамлакатимиз бўйлаб тортилган юқори вольтли электр линияларига ҳеч эътибор берганмисиз? Лотоклар тармоқларидаги оқиб бораётган оби ҳаёт бутун боғу роғларимиз, пахтазорларимизни яшнатаётгани каби ана шу юқори вольтли электр линияларида шаҳару қишлоқларимизга, корхоналарга куч-қувват, хонадонларимизга нур, энергия "оқиб" боради.

(Давоми 3-бетда)

ПУБЛИЦИСТИКА

## ЮК

***Тоққа чиқаяпмиз. Елкамизда қирқ-қирқ беш кило юк жойланган жангтўрва. Чўққига анча бор. Қуёш куйдиради. Кўзингни очолмайсан. Пешонангга нақд найза санчилгандай бўлади – жазирама!***

Зобитлар юксаклик сари ундаб, буйруқ беришади: "Олға! Имиллама!". Чўққига чиқиб, тоғ ортини кузатиб, орқадаги йўлни

# ОР-НОМУС

ҳимоя қилишимиз керак.

Бу саксонинчи йилларнинг ўрталаридан кейинги, шўро даврининг гапи: хуллас, сувсизликдан чанқаган аскарлар таппа-таппа йиқилишади, сув сўрашади, зобитлар сув ичишга рухсат беришмайди. Чунки баландликка кўтарилаётганда сув ичилса, ўпка зўриқади, юракка оғирлик чўкади.

Ортимга қарайман. Мендан уч-тўрт қадам нарида ҳамюртим, кўзу қоши қоп-қора оғайним келаяпти. Ҳолдан тойган. Ҳарсиллайди. Қўлим билан: "Тўхта, дамингни ол, нафасингни ростла..." ишорасини қилдим. У базўр жилмайди. Орқасидан куни кеча жангга чиқишимиздан олдин: "Сен босмачисан, сен тоққа чиқолмайсан, жанг қилишни ҳам эплолмайсан..." деган ўрис лейтенант келаяпти. Уни кўриб, беҳос тишларим ғижирлади. Индамай юқорига қараб тимдалана бошладим.

(Давоми 4-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

БОЛАЛАР СПОРТИ

***Болалигим ўтган 1970-80-йилларни эсласам, ҳамқишлоқларимнинг нуқул пахта далаларида меҳнат қилгани, биз гўдаклар ҳам оғир ишларга жалб этилганимизни хотирласам, юрагим ортга тортиб кетади. Мол боқиш, копток тепиш учун жой қолмаган, тўрт тараф пахтазор эди.***

Қоқ туш маҳали ёки қуёш ботар пайти вақт топиб, қишлоқ ўртасини кесиб ўтган тош йўлда футбол ўйнардик, қишда

# "СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ"

эса шудгорланган майдонларни яширинча текислаб олардик. Энди ўйласам, қишлоқдагилар у пайтлар гўёки фақат ва фақат меҳнат учун яратилган, бошқа нарсаларга кўп ҳам ҳаққи бўлмаган экан.

Ҳайриятки, қишлоқ фарзандлари учун ҳам ёруғ кунлар келди. Болалар спортини ривожлантириш ҳақида Президентимиз Фармонининг эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

-Бу фармоннинг чиқиши айтиш мумкинки, келгуси авлодлар томонидан абадул-абад ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинадиган воқеа бўлди, - дейди Оқдарё тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ойназар Олимов.

(Давоми 4-бетда)

# ДИЁНАТНИ УНУТГАНЛАР

ТААССУФ

***-Пахтани ўғирлаш ноинсофликдан бошқа нарса эмас. Ундайларни кўрсам, ғазабим қайнайди, ёқасидан олсам дейман, - дейди мирзачўллик деҳқон Ўралбой Умаров. – Йил бўйи қилган меҳнатинг самараси – ҳосилни энди йиғиб оламан деганингда ўғирлаб кетишса... кишига алам қиларкан. Ҳайрон қоламан. Юртимиз бойлигини четга сотаётганларнинг виждони қийналмасмикан?!***

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Қозоғистон Республикаси билан қарийб 54 километр масофада чегарадош. Чегарани Мирзачўл Марказий канали иккига ажратиб туради. Сохта тадбиркорлар "бизнеси"ни айнан мана шу ерда қилишга, турли воситалар орқали моддий бойликларимизни чегарадан олиб ўтишга уринишади. Гарчи вилоят божхона бошқармаси томонидан назорат кучайтирилган бўлса-да, қонунбузарлик ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Айниқса ҳозирги пахта йиғим-терими мавсумида.

(Давоми 2-бетда)

ҲИКМАТ

**Ўзини ўзи алдаш даҳшат: чунки бунда алдовчи ҳамиша алданувчида мужассам бўлади.**

ПЛАТОН

КЕЛГУСИ СОНДА: "ЎЗИНГ ҚАРЗ БЕРАҚОЛ..." | "ЖАСОРАТ" | АМАКИСИНИНГ ҚОТИЛИ




## ЎЗИМИЗНИНГ ТИРКАШ ЧОЛ

***Қишлоғимиздаги Ҳасан тиркашни танимайдиган киши бўлмаса керак. Етмишни қоралаб соқолига оқ тушса ҳамки, барибир унинг тиркаш лақабини ҳеч ким унутмади. Бобомнинг айтишича, Ҳасан тиркаш лақаби боис уялармиш. Ҳатто "Отимни тўғри айтинглар" деб тенгқурларига ош ҳам қилиб берибди. Кошки фойдаси бўлса денг. Шу Ҳасан тиркаш, шу Ҳасан тиркаш-да.***

Кўп қатори мен ҳам Ҳасан бобонинг исмига "тиркаш"ни қўшиб айтаману нима учун бундай номлашганини билмас эканман. Пайтдан фойдаланиб сабабини бобомдан сўрадим.

Ҳасан тиркаш отдан тушсаям, эгардан тушмайди. Гапини исботлаш учун тортишгани-тортишган. Балки бу – раҳбарликдан қолган меросмикан...

"Бўрини йўқласа қулоғи кўринади", деганлари рост. Бобом сўзини якунлашга улгурмасдан Ҳасан тиркашнинг ўзи суҳбатимизга қўшилди. Гапдан-гап очилиб, об-ҳавога тўхталдик. Шунда мен:

-Қаҳратон қишда ёзни кунидек иссиқ бўлганини биламану, аммо ёзда қор ёққанини билмайман, - дедим. Гапимни эшитган бобом "Тиркашга эрмак топилди", дегандек маънoли томоқ қирдилар. Шу заҳоти Ҳасан тиркаш ўлжасини пойлаб турган қоплондек "ҳужум"га ўтди.

-Ҳали ёшсизлар-да. Ёзда қор ёғмайдимас, ёғади. Бола эдим ўшанда,.. дея эртакнамо таассуротларини сўзлаб кетди. Нима демайки жавоб қайтаради. Бобом бўлса таҳорат баҳона қилиб секингина ташқарига чиқиб кетдилар. Бежо гап бошлаганимга пушаймонлар едим. Ахири, "қайсарлик ҳам эви билан-да" деганимни биламан Ҳасан тиркаш тушмагур мавзуни бутунлай бошқа томонга ўзгартириб юборди. Галдаги тортишув ёзда дўл ёғиши ҳақида бўлди. Шундай қилиб бир кунни Ҳасан тиркаш билан тортишишга ўтказдим. Маслаҳатим Ҳасан тиркаш билан гаплашсангиз эҳтиётроқ бўлинг. Акс ҳолда...

**Саид ИБОДУЛЛАЕВ**

## "ОТА-БОЛАЛАР"

***Қирқ йил бадалига бирор гал курортга бормаган Тоҳир муаллимга ҳам йўлланма тегиб қолди. Тайин қилинган хонага ҳамшира етовида кириб бораркан, мош-гуруч соқоли кўксига тушган карияни кўриб суюниб кетди.***

-Ассалому алайкум, ота. Бирор ёш-ялангга шерик бўламанми, деган ҳадикда эдим, худога шукр.

Муаллимнинг деганича борки, у ёруғ дунёга келиб ичишчекишнинг кўчасидан ўтмади, бошқа гуноҳ ишлардан ҳам хазар қилди. Бу хусусдаги арзи ҳолни жон қулоғи билан эшитган мўйсафиднинг чеҳраси очилиб деди:

-Отангизга раҳмат, ўғлим, ичкиликдан обрў топган борми? Инчунин...

"Амри маъруф"га бир зум қулоқ тутган домла соқол тараш, атир совун, тиш ювгичларини ваннахонага ташлаб чиқди.

-Сўраганнинг айби йўқ, неччиларга бордингиз? – гап қотди ҳамхона. - Ўғлим, девордим, тағин кўнглингизга гап келмадими деб...

-Ие, гапингиз нимаси, ота, қирқ бешман.

-Ҳа-а, сизнинг соқол қўймоғингизга андак бор экан, - қария кутилмаганда бир тараддудланиб олди-да, тағин сўраб қолди: - Дарвоқе, ёшингизни айтдингизми ё...

-Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилда туғилганман. Сиз-чи?

"Отахон"нинг тасбиҳ ўгираётган бармоқлари тўхтаб қолди, соқолини тутамлади:

-Эллигинчи йилман, ака.

Тоҳир муаллим бир зумда отахондан укахонга айланган ҳамхонасига зимдан назар ташлади. Орадаги ноқулай сукунатни муаллимга жой ҳозирлаб бўлган ҳамширанинг қаҳқаҳаси бузди:

-Мана энди ота-бола бўлиб олдиларинг, яхши ҳордиқ чиқаринглар. Хайр.

**Рустамжон УММАТОВ**

## БИР ЧЕКИМ НОС

***Урушдан олдинги йиллари қишлоғимизда саводсизликни тугатиш курси ташкил этилган бўлиб, диний ва дунёвий билимлардан бохабар Аъзамхонтўра унинг ягона муаллими экан. Курснинг ўқувчилари сиз-у биз билган ёш болалар эмас, уларнинг оталари бўлишган. Биттаси колхозда аравакаш, иккинчиси сувчи, учинчиси кетмончи. Бундай оғир ишлардан кейин дарс тинглаш ёки ёзув ўрганиш кони азоб. Бунинг устига "катта" ўқувчилар анчагина "қулоқсиз": бир-бири билан тинмай гаплашади, аравакаш отини, сувчи кетмонини мақтайди. Энг ёмони, ҳаммаси "банги" – тилининг тагидан нос аримайди.***

Навбатдаги машғулот бошланишидан олдин Аъзамхонтўра ўзича "дўқ" урибди:

-Дарс пайтида нос чекилмасин!

Оталар "қий-чув" кўтаришибди:

-Нос чекмай ухлаб қолсак уйғотилсин!

Муаллим муаллим-да, бунинг ҳам йўлини топибди – дарс давомида танаффус бериладиган, нос эса шу пайтда чекиладиган бўлибди. Аммо танаффус вақтини белгилашга келганда роса қийналишибди, зеро у вақтда чалай деса, қўнғироқ, қарай деса соат йўқ. Аъзамхонтўра хоҳламайгина носни ўртага қўшибди:

-Билиб қўйинглар, танаффус вақти бир чеким нос чекиб, уни пуркагунча кетган вақтга тенг.

Бир куни "Ҳуснихат" дарси тугаб, "Ўқиш дарси" бошланиши олдидан муаллим танаффус эълон қилибди ва аравакаш Муродали акани навбатчи этиб тайинлабди. Бир чеким тугул, икки-уч чеким нос вақти ўтибди ҳамки "ўқувчилар" синфга қайтиб кирмас эмишлар. Бундан хавотирга тушган Аъзамхонтўра синф хонасидан ташқарига чиқса, "навбатчи" Муродали ака бошини солинтириб, ерда ўтирганмиш.

-Ҳа, Мулла Муродали носингизни ҳали ҳам пуркамадингизми? – деб сўрабди муаллим.

Чайқала-чайқала ўрнидан турган Муродали ака кўзларини аранг очиб дермиш:

-Айланай сиздан Тўражон домла, пуркашга оғзимда нос йўқ, билмасдан ютиб юборибман.

Шу-шу Аъзамхонтўра танаффус беришдан олдин "Муродалининг нос чекишидан бўлмасин тағин", деб қўйишни канда қилмайдиган бўлибди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

## КУТИБ ЮРИБМАН

***Хоразм вилояти газетаси жамоаси урганчлик Оғабек деган ёш мухбир йигитчага:***

-Мана, бу мақолаларни марказий газеталардан бирининг таҳририятига олиб бориб берасан, - деб тайинлашибди.

-Кейин-чи, кейин нима қиламан? – деб қизиқиб сўрабди Оғабек.

-Кейин ҳовво, деса, қайтиб келаверасан. Сени у ёқда биров ушлаб қолармиди? Қизиқ бола экансан, - деб кузатиб қолишибди.

Ўн кун ўтса ҳам, йигирма кун ўтса ҳам Оғабекнинг қораси Хоразмда кўринмасмиш. Ниҳоят, бир ой ўтгандан кейин устозлари хавотирланиб унга қўнғироқ қилишибди.

-На бўлди? Шу пайтгача нерда юрибсан? – дебди.

-Ҳеч ким ҳовво демаяпти-ку, - деб жавоб берибди Оғабек, - кутиб юрибман.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**

# СУВНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

***Ғиждувоннинг чекка қишлоқларида бир челак ичимлик сувнинг нархи қанча? Бизга челаги 15-20 сўмдан, дейишди. Тағин-да, ичкарироқда, аниқроғи, Шофиркон тумани қишлоқларида-чи? У томонларда сувнинг пақирини 25-30 сўмдан жон-жон, деб сотиб олишади. Аслида гап пулда ҳам эмас. Чунки ичимли, тоза сувнинг баҳоси йўқ. Бухоронинг кўпни кўрган қариялари мешкоб йигитчаларни дуо қила-қила чойхўрлик қилишади. Ҳа, мешкобчига яна эҳтиёж сезилиб қолди. Бугун катта магистрал йўл ёқасида от-арава, тракторларда сув ташиб келаётганларни кўриб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиласан, киши.***

Очиғи, ичимлик сув ҳам яхшигина бизнес. Шахсан ўзим танийдиган йигитлардан бири шу бизнес ортидан иккита трактор сотиб олди. Ишнинг кўзини билар экан, иккаласини ҳам ижарага бериб қўйди. Олис Дамхўжадан улкан қувурларда оқиб келаётган зилол сув ана шундай тиниб-тинчимас мешкобчиларнинг уддабуронлиги эвазига Ғиждувону Шофиркон туманларидаги ўнлаб қишлоқлар аҳолисига пешма-пеш бориб турибди.

Қишлоқларни водопроводлаштириш-чи, дейсизми? Қўйинг, ҳозирча шундан сўз очмайлик. Эски ярани янгилашга на ҳожат? Қишлоқни-ку қўйиб туринг, мана, Галаосиё шаҳарчасини олиб кўрайлик. Бундан чамаси 20-25 йил муқаддам ўтказилган сув қувурлари яроқсиз ҳолга келган. Баъзи хонадонларда челак кўтариб куппа-кундузи сув излашади, денг. Ҳолбуки, шаҳарчанинг шундоқ ёнидан Дамхўжа – Бухоро сув йўли ўтган. "Сувоқова" туман ташкилотининг эса ишдан-да ташвиши бисёр. Электр энергияси таъминотидаги узилишлар, маблағ муаммоси, мижозларнинг урчиб кетган қарзи – буларнинг бари оёққа тушов бўлиб турибди.

**ТААССУФ**

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш айниқса, Қоракўл ва Олот туманларида ачинарли аҳволда. Улар-ку вилоят марказидан анча олисда, Жондор тумани-чи? "Сувоқова" корхонаси туман бўлимидан маълум қилишларича, бундан роппа-роса 31 йил муқаддам Жондорга 16 километр узунликда сув қувурлари тортиб келинган. Бўлим 8 минг мижозни тоза ичимли сув билан таъминлаши кўзда тутилган. Бунинг учун суткасига 500 куб метр сув олинмоғи зарур. Аммо амалда нима бўлаяпти?

Мутахассисларнинг билдиришларича, шу қувурлардан туманга суткасига атиги 200 куб метр сув келаяпти, холос. Нега, деган савол туғилади. Гап шундаки, қувурлар Бухоро тумани "Маданият" ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги ўнлаб дала-ҳовлилар бўйлаб ўтган. Дала-ҳовли эгалари эса йил бўйи ундан яширинча фойдаланишади. Хусусан, ёзда сув босими пасайиб кетади. Тўғри, сув сарфига сабаб бўлаётган омиллар ҳам йўқ эмас. Чунончи, қувурлар жуда эскирган. Айнан шу сабаблар туфайли Жондорнинг Оқхўжа, Оқработ, Ушот сингари водопроводлаштирилган қишлоқларида ҳам сув таъминоти муаммо бўлиб турибди.

Туман мутахассислари қўл қовуштириб туришибди, деган фикрдан йироқмиз. Туман ҳокимлиги аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш дастурини тузиб чиқди. Шунга кўра, яқин 2-3 йил ичида Жондорда ичимлик сув муаммоси кун тартибидан тушиши керак.

Шулар ҳақида ёзаяпмиз-у беихтиёр ёдимизга Пешку туманидаги "Бухоро" ширкат хўжалиги ҳудудида кўрганларимиз ёдга тушади. Бу ердаги Сусана қишлоғи ер остидан чиққан зилол сув шарофати билан хўжаликнинг барча қишлоқлари водопроводлаштирилган. Шифокорлар бизга айнан шу ҳудудда аҳоли ўртасида турли касалликлар жуда кам учрашини айтишди.

Бу тоза, ичимлик сувнинг бебаҳо неъмат эканлигидан далолатдир. Шундай эмасми?

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Кузги чақирув мавсуми Қашқадарё вилоятида ҳам ниҳоялаб бормоқда. Ҳарбийга отланган йигитлар Қарши шаҳридаги темир йўл вокзалидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларига жўнаб кетмоқда.***

## ВАТАН ҲИМОЯСИ МУҚАДДАС

- Акам муддатли ҳарбий хизматни ўтаганидан сўнг, чегарачилар тайёрлаш билим юртида ўқиди, ҳозир ўз соҳаси бўйича ишлайди,-дейди Китоб туманидан чақирилган Жасур Жалолов. - Мен ҳам акамга ўхшаб ҳарбий бўлмоқчиман. Олти ёшимдан кураш билан шуғулланиб келаман. Бу менга ҳарбийда асқотади.

Ҳақиқатан, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, бақувват бўлишини, ҳарбий либос кийишга муносиблар сафида кўришни истайди. Зеро, эндиги чақирувлар танлов асосида ўтказилмоқда. Бироқ, тиббий кўрикдан ўтган айрим чақирилувчилар ҳарбий хизматга боргач, соғлиғи тўғри келмай қайтиб келаётгани ҳам сир эмас.

- Шу йил баҳорги чақирувда жўнатилган қашқадарёлик йигитлардан беш нафари хизматга нолойиқ топилиб, ҳарбий бўлинмалардан қайтариб юборилди, - дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Мўмин Мамадалиев. - Вилоят чақирув пунктида замонавий тиббий ускуналарнинг йўқлиги, шаҳар ва туман тиббий комиссияларида ишлайдиган баъзи ходимлар малакасининг пастлиги ана шундай хатоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли кузги чақирув мавсумида 37 миллион 600 минг сўмлик тиббий асбоблар келтирилди.

Баъзи туманлардаги чақирув пунктлари биноси эскириб қолган. Айниқса, Шаҳрисабз, Чироқчи, Косон ва Нишон туманларининг чақирув пунктлари авария ҳолатида. Чақирув комиссиялари ишини яхшилаш учун аввало мана шу камчиликларни тугатиш зарур. Ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучлар сафига ҳар тарафлама муносиб йигитларни синчковлик билан танлаб олишни тақозо этади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(ЎзА)**



**Сарф-харажатни камайтириш кўп даромад олишнинг кафолатидир. Буни тўғри англаган Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" пахта тозалаш заводи ишчилари маҳсулот сифатини ошириш, электр энергиясидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозиргача қабул қилинган 12000 тоннадан ортиқ ҳосилнинг учдан бир қисми қайта ишланди. Жаҳон бозорида ўзбек пахта толаси нуфузи ошгани эса тайёрловчиларни ҳам мамнун этди. Шу боис ишчиларнинг кайфияти баланд, юқори сифатли толаларни хорижга жўнатишяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1) илғор ишчи Умида Мирхалилова; 2) муҳандис Мирсобир Патхуллаев, мутахассис Олтинбек Асилов ва электрчи Бахтиёр Атемовлар.**

Б. АКРАМОВ олган суратлар.



**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2003 йил 9 сентябр сонида чоп этилган "Секин-секин... қаерга борамиз?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Яқинда таҳририятга ушбу мақола юзасидан Оқолтин тумани ҳокими вазифасини бажарувчи П.Соибназаров имзоси билан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилган:***

"Оқолтин тумани ҳокимлиги томонидан "Секин-секин... қаерга борамиз?" мақоласи атрофлича муҳокама этилди ва кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилиши юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Туман аҳолисининг ичимлик суви билан узлуксиз таъминланиши учун барча сув иншоотлари ва сув қувурларини таъмирлаш ишлари бажарилди, жумладан А.Тоиров, У.Носир ҳудудларида жойлашган сув иншоотларидаги насослар тўлиқ таъмирланиб, қишлоқ аҳолиси ичимлик сув билан таъминланди. Шу билан бирга Оқолтин "Сув оқова" ишлаб чиқариш корхонасини иш жойи ва идора билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини топган.

Аҳолини ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш масаласи туман ҳокимлигининг доимий назоратида турибди".

## ЖУРНАЛИСТЛАР АМЕРИКАГА БОРАДИ

***БУХОРО /ЎзА мухбири Илҳом САФАР/. АҚШнинг «Фридом хаус» -»Озодлик уйи» ташкилотининг Ўзбекистон журналистлари учун тайёрлаган лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.***

Унда марказий нашрларнинг вилоят мухбирлари ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Тақдимотда журналистларимиз эришаётган ютуқлар алоҳида қайд этилди. Шунинг билан бирга мавзуни тўлақонли, изчил ёритишда муаммолар бор. Кўпчилик журналистларда малака, маҳорат ва ҳуқуқий саводхонлик етишмайди. «Фридом хаус»нинг Бухоро, Самарқанд, Навоий, Наманган вилоятлари журналистлари учун мўлжалланган лойиҳасида фаол иштирок этган журналистлар Америкада икки ой малака ошириб қайтади.

**ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:**

## "НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ"

***Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида Германиянинг Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Наумани жамғармалари билан ҳамкорликда "Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.***

-Маълумки, жамоатчилик фикри маҳаллада шаклланади. Фуқаролар айнан маҳаллада ҳаётимизнинг турли соҳалари ҳақидаги мулоҳазаларини эркин муҳокама этадилар, - деди тадбирда сўзга чиққан Аъзам Гадойбоев. – Ҳозирда маҳалла институтини ўрганиш учун кўпгина халқаро ташкилотлар ҳам қизиқаётганлиги, хориж олимларининг маҳалла анъаналари ҳақида илмий ишлар олиб борилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Анжуманда йил давомида олиб борилган амалий ишларнинг натижалари таҳлил қилинди. Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими истиқболлари, "Обод маҳалла йили" давлат дастурининг ижроси мавзуидаги маърузалар орқали юртимизда бу борада қилинаётган кенг кўламли вазифалар ҳақида йиғилганларга маълумот берилди. Ўз навбатида германиялик олимлар ҳам ўз юртларидаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимлари, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида сўзлаб бердилар.

**"Туркистон-пресс"**

# КАРВОНЛАРДАН ТЕМИР ИЗЛАРГА

***Илгари Буюк ипак йўлида жойлашган қадим Хоразмда етиштирилган маҳсулотлар, ҳунармандчилик буюмлари савдо карвонлари орқали хорижга экспорт қилинган. Эҳтиёжталаб импорт моллари ҳам шу йўсинда олиб келинган. Масалан, 1890 йилларда хоразмлик савдогарлар Францияга қовун қоқи юборишган. Ундан французлар энг сифатли коньяклар тайёрлашда фойдаланишган. Ёки 1899 йилда Гамбург орқали Америкага 28500 пуд, 1903 йилда 109600, 1905 йилда 739700 пуд беда уруғи экспорт қилинади.***

Замона зайли ўша пайтларда хориж давлатлари билан савдо-сотиқни янада ривожлантиришни тақозо этарди. Бунинг учун эса туя карвонлари ўрнини "темир карвон"лар эгаллаши лозим эди. Хива хони Феруз 1883, 1897 йилларда Россияда бўлганида император ва унинг амалдорлари Гаринов, Штукенберг, Попов сингари муҳандис ҳамда лойиҳачилар билан музокара олиб бориб, Хоразмга темир йўл келтиришни муҳокама қилади. Шунингдек, бош вазир Исломхўжа ҳам 1911-1913 йилларда бу масала билан қаттиқ шуғулланади. Аммо уларнинг орзулари турли сабаблар билан армон бўлиб қолади.

**ИСЛОҲОТ**

Орадан ярим аср ўтиб, 1947 йил 16 мартдаги шўролар ҳукумат қарори билан "Чоржўй – Урганч – Қўнғирот" темир йўли қуришга киришилади. Шу тариқа Украинадан келган А.Мироненко, Н.Диденко каби мутахассислар лойиҳаси асосида 70 мингга яқин ҳашарчилар меҳнати билан улкан ишлар бошлаб юборилади. Ўша вақтдаги республика раҳбари Усмон Юсупов, қурилишга бошчилик қилган истеъфодаги генерал Ғани Хўжаевларнинг ҳиссалари катта бўлади.

Ўтган йиллар мобайнида Урганч шаҳрининг жанубида темирйўлчилар учун ишчилар шаҳарчаси, шифохона, дорихона, болалар боғчаси, новвойхона, дўкон, маданий ва маърифий бинолардан иборат инфратизилма барпо этилади.

Истиқлолдан кейин эса "Учқудуқ – Мискин" темир йўли қурилиши давом эттирилди. Авваллари Тошкентдан йўлга чиққан поезд Туркманистон орқали 360 километр йўлни босиб ўтарди. Энди эса, Мискин бекатини Хоразм билан боғлайдиган темир йўл барпо этилаётгани, юқоридаги масофани қисқартириб, ҳам вақтни ҳамда миллионлаб сўм маблағни тежаб қолиш имконини беради. Айни кунларда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл ва Хоразмнинг Ҳазорасп туманлари ҳудудида Амударё устидаги авто ва темир йўл кўприги қурилиши авжида. Узунлиги 700, эни 70 метр кўприк битса, "Мискин" темир йўл бекати Хоразм билан боғланади. Бу ерда "Кўприккурилиш" республика трестининг 200 нафар қурувчи ва монтажчилари, Урганчдаги 2534-сон автокорхона ҳайдовчилари меҳнат қилмоқдалар.

Учқудуқ – Мискин темир йўлига дарё орқали қурилаётган кўприк билан Хоразмнинг боғланиши катта воқеа сифатида аждодларимиз орзусининг ушалиши бўлади, десак хато қилмаймиз.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ДИЁНАТНИ УНУТГАНЛАР

**(Боши 1-бетда)**

-Ҳукумат қарорини бажариш, ноқонуний олди-сотдига чек қўйиш мақсадида канал бўйлаб 12 та блок-пост ташкил этилган, - дейди Жиззах вилояти божхона бошқармаси бўлим бошлиғи Шомурат Кунаров. – ИИБ ва чегара қўшинлари билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз ўз самарасини бераётир. Масалан, жорий йилнинг 25 октябригача 22 ҳолатда қиймати 2584,3 минг сўмлик жами 20009 килограмм чигитли пахта чегарадан олиб ўтилаётганда тўхтатиб қолинди.

Шуни таассуф билан айтиш жоизки, "пахта операция"си билан қўлга тушганларнинг аксарияти 30 ёшдан ошмаган кишилардир. Беихтиёр ўйга толасан, айни кучга тўлган, ишлаб чарчамайдиган ёшдаги йигитларнинг ўғирлик қилишга, шу туфайли маҳалла-кўй олдида юзи шувит бўлишига нима ундади экан? Назаримизда, уларнинг ёшлиги, етарли ҳаёт тажрибасига эга эмаслиги панд бераётгандек. Балки биз англамаган бошқа жиҳатлари ҳам бордир.

-Бу йил қўшни Қозоғистон пахта далаларида кўсак қурти кўпайиб кетди. Оқибатда ҳосилдорлик кескин пасайган. Пахтанинг нархи эса кўтарилиб кетди. Шу боис айрим кишилар пахтани чегарадан хуфёна олиб ўтиб, нисбатан қимматроқ нархда пуллашмоқчи бўлишаяпти, - дейди мирзачўллик фермер Шуҳрат Исмоилов. – Билишмайдики, бу ҳаракати билан, аввало ўзининг, қолаверса юртдошларининг насибасини қияётганини. Арзимаган пулни деб хиёнат йўлига кириш ва оқибатда эл-юрт олдида шарманда бўлишни ҳар ким ҳам кўтаравермаса керак. Бу ҳар қандай жазодан ҳам оғирроқ.

Жорий йилнинг 8 октябр куни божхоначиларда давлат белгиси 13АВ 612 бўлган "КамАЗ" автомашинаси шубҳа уйғотди. Шу заҳоти машинага тўхташ ишораси берилди. Бироқ ҳайдовчи Даврон Мустафоев бунга эътибор ҳам бермади. Божхона инспектори Б.Маҳкамов томонидан осмонга 2 марта огоҳлантирувчи ўқ узилди ҳамки, шоввозлар "тўхтай" дейишмади. Шундан сўнг автомашина балонларига ўқ отилиб тўхтатилди. Аниқланишича, Батирхан Тулегенов Арнасой тумани «Хоразм» фермерлар уюшмасига қарашли "Миҳтепа" фермер хўжалиги раиси Улуғбек Қорабеков ва Комил Эшқувватовлардан умумий қиймати тахминан 975000 сўм бўлган чамаси 5 тонна пахта ҳосилини сотиб олиб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи ва уни пулламоқчи бўлганлар. Товарни кўзланган манзилга етказиш учун эса Даврон Мустафоев билан тил бириктиради. Хайриятки, божхоначилар хушёрлиги туфайли қонунбузарлар тўхтатилди.

Ушбу ҳолат бўйича Батирхан Тулегенов ва бошқа кимсаларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноий иш қўзғатилиб, вилоят прокуратурасига юборилди. Ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, 19 октябр куни соат 22.00 лар атрофида Хайриддин Сафаров қиймати 34391 сўм бўлган 215 килограмм чигитли пахтани ўз эшагида айланма йўллар билан "Саркисов" канали орқали Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлган пайтда божхона ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

23 октябр куни эса Ўткир Ўразов божхона ходимларининг кўзини шамғалат қилиб 102 килограмм "оқ олтин"ни чегарадан олиб ўтаётган чоғида тўхтатилди. Мазкур ҳолат бўйича вилоят божхона бошқармаси томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ержан Оринбаев 800 килограмм, Турсунмурот Сафаров 440 килограмм, Шароф Мўминов 290 килограмм ва Карсибай Ешимов 425 килограмм пахтани хуфёна равишда Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлганларида қўлга тушди. Энди улар қонун олдида жавоб берадилар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**МАВСУМ**

***Куз кузлигини қилаяпти. Ўтган куни бўлган ёмғир ишнинг белига тепди. Аммо фарғоналиклар бўш келаётганлари йўқ. Кунига вилоят пахтакорлари 5 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" тайёрлашга эришяптилар.***

# ШИЖОАТ

Бугун вилоят пахтазорларида 155 минг нафардан зиёд теримчи белига этак боғлаб, пахта тераяпти. Бунинг 95 минг нафари ширкат аъзолари бўлса, 14 минг нафари талабалар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, 13 минг нафари эса қишлоқ маҳаллаларидан чиққан ҳашарчилардир. Барча туман, хўжаликларда, дала шийпонларида, теримчи ва ҳашарчиларга унумли иш шароитлари яратилган. Терим пули ўз вақтида бериб борилаяпти.

Теримда Фурқат, Фарғона, Олтиариқ, Бешариқ, Учкўприк туманларининг пахтакорлари олдинда боришаяпти. Бу туманларда бугунгача йиллик режанинг 80-85 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришилди.

Шу кунгача Фарғона туманидаги "Фарғона", Бешариқ туманидаги "Адиробод" ширкат хўжаликларида йиллик режалар уддаланди. Бувайда туманидаги "Янги қадам", Амир Темур номли, Бешариқ туманидаги "Яккатут", Мадаминов номли, Данғара туманидаги "Ишонч", "Найманча", Ёзёвон туманидаги Навоий номли, "Хонобод", Қува туманидаги Раҳматов номли, "Ал-Фарғоний" каби ўнлаб хўжаликлар йиллик режани бажардилар.

Вилоятда фермерчилик ҳаракатига катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида фермер хўжаликлари сони 1432 нафарга, ер майдони эса 16557 гектарга ортди. Фермерлар ўзларига кўрсатилаётган эътиборга меҳнатлари билан жавоб бермоқда. Бугунгача 300 нафарга яқин фермер шартномавий режасини бажаришга эришди. Данғара туманидаги "Содирбек", "Нодиржон", Ёзёвон туманидаги "Толқудуқ-97", "Мустақиллик", "Сойибжон" фермер хўжаликлари каби ўнлаб мулкдорлар йиллик шартномани бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқда.

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.**

# ИҚТИСОДНИНГ ҚОН ТОМИРИ

(Боши 1-бетда)

-Бизнинг асосий вазифамиз ишлаб чиқарувчидан электр энергиясини қабул қилиб олиб, юқори вольтли электр линиялари орқали мунтазам



равишда истеъмолчига етказиб бериш, - дейди Сирдарё вилояти магистрал электр тармоқлари корхонаси директори Исроил Ҳалимов. – Ана шу электр энергиясини қабул қилиб олиш учун вилоят бўйича 81 та нимстанциямиз, 1580 километр юқори вольтли электр тармоқларимиз бор. Вилоят бўйича биз Сирдарё ИЭСи, Фарҳод ГЭСи ва Тошкент ИЭСдан электр қувватини подстанцияларга қабул қилиб олиб, ҳисоблагичлар орқали электр тармоқларига чиқариб юборамиз. Подстанциялар мунтазам ишлаши, линиялар ҳамиша соз бўлиши лозим. Бизнинг линиялар орқали Жиззах, Навоий вилоятлари ҳам электр энергияси олади.

Ишлаб чиқаришни узлуксиз таъминлаш мақсадида юқори кучланишли линиялар бўлими, релели ҳимоялаш ва ўлчаш бўлими, нимстанциялар,



автотранспорт ва механизациялаш, капитал қурилиш, тезкор диспетчерлик, алоқа бўлимлари мавжуд. Корхона жамоаси бозор иқтисоди шароитида моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида асосий фаолиятидан ташқари тадбиркорлик кўрсатиб, ишлаб чиқариш бўлимлари кучқуввати билан 53 миллион сўм шартномавий ишларни бажарди. Бу маблағлар ҳисобига моддий ресурс, айланма маблағлар, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуна, жиҳозлар олинди.

Юқори кучланишли ҳаво электр тармоғининг узлуксиз ишлаб туриши, ишончлилиги туфайли халқ хўжалиги энергия билан таъминланиб турибди. 2003 йилнинг уч чорагида халқ хўжалигида 751,0 миллион киловатт соат электр энергияси етказиб берилди. Бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 31,1 миллион киловатт кўп демакдир.

Корхонада ўз касбининг устаси бўлган 350 нафар энергетиклар меҳнат қилишади. Шундан 159 нафари нимстанцияларга хизмат кўрсатади. Булар асосан таъмирловчи ва тезкор ходимлар бўлиб, 81 та нимстанциялар кечаю кундуз уларнинг назоратида.

Корхонада тажрибали ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Диспетчер М.Ғаниева, автокранчи Д.Жокин, В.Руденко, ҳайдовчилар Р.Ильясов, С.Проскурянов, Н.Киселёв, М.Холмирзаев, Б.Шерматов, пайвандловчи Н.Галтиков, аккумуляторчи А.Кустов, юқори кучланишли линияда ишловчи электромонтёрлар Э.Қўшмуродов, Ф.Исроилов, нимстанция хизматидан Э.Асроркулов, Р.Жабборов, релели ҳимоядан А.Отажонов, Б.Багринский, М.Соколов, синовчи А.Расторгуев, қурувчилар Р.Абдуназаров, Г.Ким, А.Некрасовлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Унумли меҳнат қилгандан кейин яхши даромад кўриши керак. 2003 йил уч чорагида нурчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 99505 сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилдагига нисбатан 31 фоизга ошди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш хизматлари бўлинма бошлиқлари - Ҳамробой Шарипов, Николай Дворецков, Юрий Максимов, Меҳрали Гайдаров, Юсуф Қудратов, Аҳмадали Маматқуловлар ўз жамоаларида ишни яхши ташкил этишга ҳаракат қиляптилар.

Корхона жамоаси қурилиш ишларини ҳам олиб бораяпти. Ҳукумат дастурига кўра бошланган Сирдарё иссиқлик электрстанциясидан узунлиги 54,5 км "Жиззах", 51,5 км "Зарбдор", 5,5 км "Гўзал" нимстанцияларигача 220 киловольтли линиялар қурилишини олиб бораяпти. Шунингдек, Сирдарё иссиқлик станциясидан "Ғузор" подстанциясига 65 километр масофада электр линиялари тортилмоқда. "Электртармоққурилиш" ОАЖнинг МК-48, МК-47, МК-71, "Спец СМУ" сингари ташкилотлари монтажчиларининг ғайрати туфайли Сирдарё иссиқлик станцияси билан "Ғузар" нимстанцияси оралиғидан линиянинг биринчи навбати ишга тушди. Бундан ташқари "Зарбдор", "Жиззах" линиялари ҳам фойдаланишга топширилди.

2003 йилда Ғузор йўналиши бўйича иш жадал суръатда олиб борилаяпти. Ҳозиргача 180 дона металл конструкциядан 142 таси ўрнатиб бўлинди ва бир йўла электр сим тортилмоқда.

Монтаж ишларига махсус техникалар жалб қилинган. "Электртармоққурилиш"нинг 71-сон, 47-сон, 48-механизациялашган кўчма колонналари ўзларининг ишлаб чиқариш қувватлари, юқори малакали электр монтажчиларини сақлаб қолишгани ана шундай мураккаб қурилишларни амалга оширишда жуда қўл келяпти.

-Ишчи-хизматчилар учун зарур шароит яратиб берилмоқда, - дейди корхона директорининг ўринбосари Норқул Исоқулов. – Битта корпусни таъмирдан чиқариб, кийиниб-ечиниш, ювиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари, ошхона ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

-Шу йилнинг ўзида 8,5 миллион сўмга эҳтиёт қисмлар сотиб олдик, - дейди автомобил хизмати бошлиғи Юсуф Қудратов, - техника базамиз юз фоиз ишга яроқли, ҳамма механизмларни, автомобилларни, оғир техникани созлаб қўйганмиз. Шунинг учун



ҳам ҳар қандай об-ҳаво шароитида кеча-кундуз транспортларимиз тезкор ишга чиқишга шай.

-Келгусида аккумулятор ишлаб чиқарувчи цех очмоқчимиз, - дейди корхона раҳбари Исроил Ҳалимов. – Шундай аккумуляторларни ўзимиз ишлатиб, бошқаларга ҳам сотамиз. Бу ишни ташкил қилиш учун бизда имконият бор. Шу билан иқтисодни янада мустаҳкамлаб оламиз.

Қаерда раҳбарлар ўз соҳасининг етук мутахассиси, интилувчан бўлса, ўша ерда иш юришади. Корхона раҳбари Исроил Ҳалимов олий маълумотли муҳандис-электрик мутахассислигига эга бўлса-да, иш фаолиятини оддий электр монтёр вазифасидан бошлаб, ўтган чорак аср давомида шу соҳада турли вазифаларда ишлаб, корхона директоригача бўлган йўлни босиб ўтди. Шу боис энергетика со-



ҳасини яхши тушунади, бу ерда ишлаётган мутахассислар, ишчиларни қадрини билади.

Директорнинг умумий ишлар ва капитал қурилиш бўйича муовини Норқул Исоқуловнинг шу соҳада ишлаётганига ўн беш йилдан ошди. Шу йиллар давомида кўплаб шогирдларга устозлик қилиб, иш ўргатди. Корхонада мутахассис кадрлар, малакали ишчилар тайёрлашга катта эътибор қаратилаяпти. Ҳозирги кунда 9 киши Ширин энергетика коллежида ўқийди. 6 киши Тошкент Техника университетининг энергетика факультетида сиртдан таҳсил олмоқда. Электр монтёр Ш.Муродов, муҳандис У.Зарипов, Х.Йўлдошев, электр монтёр Ш.Сулаймоновлар корхона ҳисобидан ўқияпти. Ҳар йили Тошкент шаҳридаги "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси қошидаги "Ходимлар тайёрлаш маркази"да 25 нафар ишчи-хизматчи малака оширади, корхона кадрлар тайёрлашга 5 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфлади. Иш жараёни мураккаблиги ҳисобга олиниб, корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун 240 минг сўм ажратилди.

Агар ишчи-хизматчи ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиб борилса, корхона манфаатларини кўзлаб астойдил ишлайди. Чунки корхона бойиса у оладиган ойлик, моддий ёрдам, бошқа имтиёзлар ҳам кўпаяди-да. Ижтимоий кафолатлар "Ўзэлектросет" шўъба корхонаси ва бирлашган касаба қўмитасининг 2002-2004 йил учун тузилган ўзаро шартномаси асосида амалга оширилаяпти. Чунончи, нафақага чиқаётган фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилади. Ўн тўққиз йилдан кўп стажи бўлган пенсионерларга ички нафақа белгиланади. Шифохонада жарроҳлик амалиёти ўтказилган ишчи-хизматчиларга даволаниш пули ажратилади. Кам таъминланган оилалар фарзандларига китоб-дафтарлар, мактаб кийим-боши учун маблағ ажратилади, болалар оромгоҳига бепул йўлланмалар берилади.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ижтимоий ҳимояга катта аҳамият бермоқда. Меҳнат таътилига чиқаётганларга даволаниш учун ўн уч ярим миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. Пенсияга чиққан йигирма нафар ходимга йилига 3,8 миллион сўм миқдорида ички нафақа берилмоқда. Энергетика соҳасида 30-40 йилдан ошиқ ишлаган М.Аншаков, Н.Максимова, Ю.Максимов, Т.Хон, У.Маматқулов, И.Пракс, Х.Абдураҳмонов ва бошқалар шундай имкониятдан фойдаланмоқдалар.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## АЭС ЁПИЛАДИМИ?

***Сешанба куни Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва Европа Иттифоқи аъзоларидан ташкил топган делегация Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюришди.***



Бундан кўзланган мақсад Шимолий Кореянинг ядро дастурига оид масалаларга ойдинлик киритиш. КХДРдаги Атом Электр Станциясининг реакторларидан бири 1994 йилдан бери ишлаб келмоқда. Гап шундаки, расмий Пхеньян олдинги тузилган битимларни бузиб, мамлакат мудофааси мақсадида ядро қуролини ишлаб чиқаришини баён қилган. Нью-Йорк учрашуви иштирокчилари АЭСнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиш бўйича музокаралар олиб боришди. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, музокара қатнашчилари АЭС фаолиятини бир йилга тўхтатишга эришишлари мумкин. АҚШ томони эса бу станцияни бутунлай ёпиш тарафдори. ВВС мухбирининг хабарига кўра, Нью-Йорк анжумани КХДР ва АҚШ ўртасида юзага келган салбий муносабатларни юмшатиш учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

## "АВРОРА"ГА РУХСАТ

***Бир неча кундан бери Гибралтар чегарасида турган Буюк Британиянинг "Аврора" кемасига Испания ҳудудларига киришга рухсат берилди.***



Кема бортида 1800 йўловчи ва 840 кема экипажи бўлиб, йўловчиларнинг 500 нафари, экипаж аъзоларининг 17 нафари "Nora" вируси билан касалланган. Бу вирус икки кун давомида одамда ич кетиш, қайд қилиш каби ҳолатларни юзага келтиради. Айнан шу вирус оқибатида "Аврора"ни пайшанба куни Греция қирғоқларида тўхташига рухсат берилмаган ва бир неча кундан бери Гибралтар ва Испания ўртасида турган эди. Испания ҳукумати ҳам ўз фуқароларига хавф туғдирмаслик учун кема бортидаги сайёҳларни махсус текширувдан ўтказишди. Фақатгина соғлом йўловчиларга қирғоққа тушиш ҳуқуқи берилди. Маълумотларга кўра "Nora" вируси кема бортига 20 октябр куни Саутгемптондан чиққан сайёҳ орқали юққан.

## СУМАТРАДА ТОШҚИН

***Индонезиянинг Суматра оролида юз берган кучли тошқин камида 75 кишининг умрига зомин бўлди.***



Улардан беш нафари Германия, Сингапур, Нидерландия ва австралиялик сайёҳлар эди. Кучли ёққан ёмғир дарё сувининг тошиб кетишига сабаб бўлган. Натижада жуда катта сув оқими юзага келиб йўлларни, кўприк ва турар-жой биноларини ювиб кетган. Ҳозирда қутқарувчилар омон қолганларга ёрдам бериб, бедарак йўқолганларни қидирмоқда. Аҳоли турар-жойларининг 10 фоизигина омон қолган, холос.

## ПОЛИЦИЯГА ҲУЖУМ

***Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида полиция маҳкамалари ва патрул хизматчиларига ҳужум уюштирилган. Шаҳарнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган отишмалар чоғида 2 нафар полиция хизматчиси ўлдирилган, 7 таси жароҳатланган.***



Автомат билан қуролланган жиноятчилар ҳаммаси бўлиб 11 та полиция идорасини ўққа тутган. Иккита ҳолда гранаталардан фойдаланишган, бироқ гранаталар портламаган. Ҳозирча бу теракт билан боғлиқ бирор жиноятчи ҳибсга олингани йўқ. Тахминларга кўра ҳужумлар "Пойтахтнинг биринчи бригадаси" деб номланган номаълум гуруҳ томонидан уюштирилган. Чунки, айнан шу гуруҳнинг бир неча аъзоси ҳозир Сан-Паулу қамоқхонасида сақланмоқда. Улардан бири якшанба куни қочишга уринган вақтда соқчи томонидан отиб ташланган. Шу ҳодиса полициячиларга нисбатан ҳужумлар бошланишига сабаб бўлган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозир шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

## "ЮКОС"НИНГ РЕЖАЛАРИ ЎЗГАРМАЙДИ

***Россиянинг "ЮКОС" нефт компаниясининг янги раҳбари АҚШ фуқароси Семен Кукес "ЮКОС"нинг аввалги режаларини ўзгартирмаслигини маълум қилган.***

Нима бўлганда ҳам компания ўз акционерлари олдидаги мажбуриятларини албатта бажаради,- дейди у. "ЮКОС"нинг мақсадларидан бири "Сибнефт" компанияси билан бирикиш. Сешанба куни директорлар кенгаши бўлиб, унда янги "ЮКОССибнефт" компаниясини тузишга доир масалалар кўрилди. Кукеснинг фикрича, бошқарув тизимига яна 6 киши олинади. Душанба куни "ЮКОС" раҳбари Михаил Ходоровский истеъфога чиққан ва бу чет эл инвесторларининг "ЮКОС"га қизиқишини орттирган. Натижада халқаро бозордаги "ЮКОС" акциялари нархи 13 фоизга кўтарилган.

## УМИДБАХШ ДОРИ

***Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (СПИД)га қарши ишлаб чиқилган вакцинани олимлар Жанубий Африка давлатининг 24 фуқаросида синаб кўрмоқдалар.***



Ҳозир қўлланилаётган вакцина бутунлай даво бўлмаса-да, ОИТС беморлари учун ягона умид манбаи бўлиб ҳисобланади. Вакцина бутун дунё бўйича 12000 нафар кўнгиллиларда синаб кўрилмоқда. Унинг эътиборли томони шундаки, инсон танасидаги вирус билан касалланган ҳужайранинг тарқалишига йўл қўймайди. Олимларнинг фикрича, вакцина 2 йил мобайнида тўхтатмасдан қабул қилинса, касалликдан бутунлай қутулиш ҳам мумкин.

## МИЛОШЕВИЧНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

***Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич тақдири ҳали ҳам ноаниқлигича қолмоқда.***



Европа Иттифоқининг Босния бўйича махсус вакили Лорд Дэвид Оуеннинг айтишича, Милошевич ўтакетган миллатчи ва барча жиноятлар шунинг оқибатида юзага келган. Милошевич "соф серб" миллатини Белград устидан назорат ўрнатиши учун мусулмонларни мажбуран кўчириб, бунга қарши чиққан албанларни эса аёвсиз равишда ўлдиртирган. Ҳозир халқаро трибунал Милошевични уруш даврида турли жиноятлар содир этганликда ва 7500 нафар мусулмон фуқароларининг ўлимида айбдор, деб топган. Бироқ, Милошевич бу айбларни қатъиян рад этиб, Гаага трибуналидан ўзини оқлаш учун икки йил вақт сўраган. Халқаро трибунал унга бир йил муҳлат берган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# "АДОЛАТ ТАРОЗИСИ"

***Бу газета ҳақида мақола ёзиш хаёлимга ҳам келгани йўқ эди. Гоҳо ҳаётга озгина синчков назар ташласангиз, салмоқли моҳиятга дуч келар экансиз.***

***1997 йил 14 январда Сурхондарё вилоят прокуратурасининг нашри - "Адолат тарозиси" газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.***

У бугунги кун тақозоси сифатида юзага келди. Зотан, ҳуқуқини



билган киши жамиятда ўзини эркин ҳис қилади. Қолаверса, бу борада одамлар қанча саволларга дуч келишади. Жавоб олишмоқчими? Марҳамат, "Адолат тарозиси" газетаси бор. Газета яхши тарғиботчи: қонунлар, Президент Фармонларидан хабардор этмоқда. Жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган иллатларни фош этаяпти.

"Адолат тарозиси" 6 йил ичида ўсди, улғайди. Газета дастлаб тўрт саҳифада чиқиб, 1,5 минг нусхада босилганди. Ҳозир 8 саҳифали. Икки йил ичида 11 минг нусхага етди. Аввалида у ойига икки марта чиқарди. Ҳозир ҳар ҳафтада чоп этилмоқда.

Вилоят прокуратураси ҳуқуқий тарғиботнинг жамият ҳаётида катта куч эканлигини ҳисобга олиб, "Адолат" телевидениесини ташкил этди.

Тўғри, ҳозир ҳар хил телевидениелар, газеталар кўп. Лекин айрим телевидениелар, газеталарнинг мухлиси кам. "Адолат тарозиси" газетаси, "Адолат" телевидениеси эса бугун ярқираб турибди. Эл нигоҳида. Муваффақият сабаби нимада?

Олайлик, қишлоқда кимдир сигир сотиб олди. Бу ҳеч кимга қизиқарли эмас. Бироқ қишлоқда сигир ўғирланса, ўғри ушланса, ҳамма қизиқади: ўғрини билгиси, ундан нафратлангиси, ўғирликдан эҳтиёт бўлгиси, болаларини шундайлардан узоқ юришга ундагиси, нопокнинг қандай жазо олганини эшитгиси келади. Азалдан халқимизнинг менталитетида жиноятнинг фош этилишига катта қизиқиш билан қараш бор. "Адолат тарозиси" ва "Адолат" телевидениеси ана шу ташналикка рўбарў чиқди. Одамлар қисқа вақт ичида уларни топишди, газетани интизорлик билан кутишадиган, телевидениени муштоқлик билан кўрадиган бўлишди.

Иккинчи сабаб шулки, вилоят прокуратурасининг доимий эътибори тажрибали журналистлар жамоасини руҳлантириб юборди. Кўмак ва маҳорат бирлашди. Шу аснода "Адолат тарозиси" газетаси ва "Адолат" телевидениеси бирлашган таҳририяти ташкил этилди. Бош муҳаррир вазифасига Жуманазар Аноров тайинланди. Вилоят прокуратураси бу билан бирлашган таҳририятнинг моддий-техника асосини мустаҳкамлашга ва ижодий жараёнини рағбатлантиришга кенг йўл очди.

"Адолат тарозиси" Сурхондарёда ўзининг муносиб ўрнини топди. Чунки у фуқаролар ҳаёти, ташвишлари билан чамбарчас боғланган. Ангор туманидаги Новшаҳар қўрғони қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳамшираси Дилбар Шопўлатова "Адолат тарозиси"га мурожаат қилди. Ушбу хат юзасидан таҳририят журналист текшируви ўтказди. Натижада газетада "Газак олган яра" сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинди. Адолат қарор топди. Бир ярим йил бекор юрган фуқаро Д.Шопўлатова ўз вазифасига қайта тикланди. Бекор юрган кунлари учун унга иш ҳақи ундирилди. Дилбарнинг доимий равишда газета ўқиб бориши, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олиши қийин паллада қўл келди.

"Адолат тарозиси"нинг икки йиллик тахламини варақладик. У қанча-қанча қийналиб қолган кишиларга мададкор бўлган. Келган хатлар ғоят кўп. Шикоят аризаларини айтмайсизми? Газетада "Хат таҳрирсиз босилмоқда" рукни ҳам мавжуд. Айниқса, "Прокуратура ҳимоя қилади, ёрдам беради" рукни диққатимизни тортади. Унда прокуратура, газета, фуқаро ҳаёти бир-бирига туташлигини кўрасиз. Денов туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи Ёдгоров Азимуроддан келган шикоятни Денов туман прокуратураси ўрганди. Натижада суднинг 2002 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарорини бекор

**МАТБУОТ**

қилиб, бошқа суд таркибида кўришга юбориш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг апелляция босқичига апелляция тартибида протест келтирилди.

Хатлар... Шикоятлар... Аризалар... Ҳаммасида инсонлар ташвиши... "Адолат тарозиси" элнинг кунига яраяпти, дардига дармон бўлаяпти.



Газетанинг 2003 йил 31 май сони. "Қабоҳат ёхуд Қорасув фожиаси" детектив очерки...

Шу йил бошида Ангор тумани "Қорасув" ширкат хўжалигида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли қотиллик рўй берди. Бутун туманга шов-шув тарқалди...

21 ёшли Жумаев Юсуф ўз янгасини тунда келиб зўрламоқчи бўлди. Янгаси Малоҳат қаттиқ қаршилик кўрсатгач, унинг юзига, бошига уриб йиқитиб, унинг баданига 17 марта пичоқ санчди. Жияни, олти ёшли Жасурни пичоқлаб, 4 ёшли Азизани эса бўғиб ўлдирди. Сандиқдан 113 минг сўм пулни олиб, бутун уйга керосин сепиб, ўт қўяди. Ва воқеа жойидан қочади...

Вилоят ва туман прокуратураларининг кеча-ю кундуз тинимсиз чеккан заҳмати боис Жумаев Юсуф қўлга олинади. Тумандаги шов-шувларга, миш-мишларга нуқта қўйилди.

Детектив очеркни ўқиган газетхон жиноятни фош этиш қанчалик оғир ва қийин эканлигини ҳис этади. Айни пайтда, газетанинг кучини, журналистнинг изланувчанлигини шунда кўрасизки, муаллифлар жиноятнинг фош этилишини кўрсатиб, воқеани айтиб, Жумаев Юсуфнинг ўлим жазосига маҳкум этилганини таъкидлабгина қўймайдилар. Балки қишлоқ аҳлининг мазкур жиноятга муносабатини-да ўрганадилар. Кексалар, маҳалла оқсоқоллари, оддий фуқаролар жиноятчига нисбатан чексиз нафратини билдиришади.

Детектив очерк кишида катта таассурот қолдиради. Уйғоқ фикрли ва ҳушёр бўлишга ундайди. Уни ўқиб оғир ва сўнгсиз хаёлларга толдим.

"Адолат тарозиси" газетасида прокуратура ходимлари, судьялар ва ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари мунтазам йўлга қўйилган. Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Нурмуҳамедовнинг "Қонун ягона устувор куч" мақоласини ўқиб, вилоят прокуратураси фаолияти билан батафсилроқ танишасиз. Жиноят жазосиз қолмайди, деган қатъий хулосага келасиз.

Вилоят хўжалик суди раиси Н.Собировнинг "Ҳуқуқий саводхонликни оширайлик", вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ф.Бойзоқовнинг "Бугуннинг долзарб вазифаси", вилоят прокурори катта ёрдамчиси Музаффар Маматмуродовнинг "Тадбиркор доғда қолмайди" каби ма-



қолаларини газетхон катта қизиқиш билан ўқийди.

"Адолат тарозиси"да "Генерални эслаб" очеркини ўқиб мамнун бўлдик. Унинг муаллифи Жуманазар Аноров. Унда муаллиф прокуратура органларида узоқ йиллар шарафли вазифаларда ишлаган, эл ҳурматини қозонган генерал Чори Жўраевни эслаб, азиз инсон ҳақида ҳикоя қилган. Биз прокуратура соҳасида ҳалол ва узоқ хизмат қилган мўътабар кишилар ҳақида кам биламиз. Газетанинг бу борада мақолалар бераётганлиги жуда ўринлидир.

"Адолат тарозиси" газетаси ва "Адолат" телевидениеси ҳақида гапирганда икки омил эътиборни тортади. Биринчиси, Жуманазар Аноров раҳбарлигида Ў.Абраев, Қ.Олтибоев, Ғ.Зиёқулов, А.Абдурасулов, Б.Тиллаев, А.Алибоев, Н.Норқўчқоров, А.Хўжаев каби журналистлар жамоаси изланиб, ижод қилмоқда. Иккинчиси, газета Денов босмахонасида жуда сифатли чоп этилмоқда. У вилоят газеталари орасида мазмуни, сифати билан ажралиб туради.

Газета дўкони сотувчисидан "Адолат тарозиси" борми?", деб сўрашаётганида, суҳбатдошнинг бири иккинчисидан: "Адолат тарозиси"нинг янгисини ўқидингизми?" деб мурожаат этаётганини эшитганингизда шундай ибратли нашр ўқувчилари кўпайиб бораётганлигидан қувонасиз.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОР-НОМУС

(Боши 1-бетда)

Ярим соатлардан сўнг тоғ чўққисининг таноби тортилди – бир бахя қолди. Бироқ бўларимча бўлдим. Яна ортга қарадим, оғайнимнинг юзи оппоқ бўлиб кетган, кўзини чирт юмиб жон ҳолатда тошлар қирғоғини ушлаб олдинга интилаяпти. Раҳмим келди. Оғриқнинг зўридан оқарган юзи бурикқсиб кетгандай туюлди. Орқада ҳалиги- гўрсўхта лейтенант.

Тоққа чиқдик. Аскарлар елкасидан нафас олишарди. Кўпчилик пастда қолиб кетди. Иродаси, кучи етмади. Ожизлик қилишди. Оғайним тепага чиқиши ҳамона ўзини таппа ташлади. Мен унинг елкасидан зилзамбил юкни олдим. Ҳансираяпти. Ўмгани кўтарилиб-кўтарилиб тушади. Сув сўради. Сув узатдим. Менга чўзилган қўли сувдонга етмай шилқ этиб тушди. У туйқус жон таслим қилди. Ўпкаси бўғзига тиқилиб, тоғ машаққатига соғлиги дош беролмади. У яқиндагина сариқ касал бўлиб госпиталдан чиққан эди. Шўро даврида, бунинг устига Афғон урушида бу нарсага аҳамият бериб ўтиришмасди.

Мен лейтенантга ғазаб билан қарадим. У кўзини олиб қочди. Бошини эгди.

-Юки оғирлик қилдимикан? – деди у.

-Қанақа юк? Жанг тўрвами? Ҳечам-да... Унга биласанми, елкасидаги эмас, ичидаги юк оғирлик қилди. Бу ор, номус юки! Ўзбек ҳеч қачон орини, номусини сенга ўхшаганларнинг олдида тўкилишини истамайди, - дедим ғазаб билан.

-Бас қил, - деди зобит қақшаб.

-Нега бас қиларканман... Агар сен ориятини кўзғаб, ҳамиятига тегмаганингда эди...

Гапим оғзимда қолди. Зобит талмовсираб пастга эна бошлади. Мен шунда сезгандим: дўстимнинг жон жаҳди билан юқорига кўтарилганининг боиси, у ёнидаги зобитнинг олдида орини ерга уришни истамаган. Ўзбек тоққа чиқолмади, деган гапдан кўра, сўнгги кучини тўплаб, чўққига чиқиб бўлса-да, жон беришни афзал кўрган.

Ярим йўлда қолиб кетган аскарлар жуда кўп эди. Бироқ унинг орномуси бунга йўл қўймади. Елкадаги жанг тўрвадан эса бу юк, яъни ор-номус юки ўн, юз, минг чандон оғирроқ эди. Номус юки ер шаридан-да оғирроқ. Буни ўша марҳум дўстим тимсолида англаганман.

## АНВАР ОБИДЖОН ШЕЪРИ

Мактаб ёшидаман. Ўт-олов чоғим. Осмондаги қирғийнинг кўзини кўраман. Зеҳним ўткир. Қўлимга нима тушса ўқийман. "Ёшлик", "Гулистон", "Шарқ юлдузи" журнали дейсизми, гоҳ ёнбошлаб, гоҳ оёқни чайла қилиб ўқиганим-ўқиган. Баъзи бир шеърлардан чарсиллаб учқун сачрагандай бўларди – бир ўқишда ёдимда қоларди. (Ўша давримни эсласам ҳозир ҳайратим ошади). Суягим қотиб, ақлим у-бу нарсанинг фаҳмига бора бошлаган паллаларим эди, ҳар ҳолда. Шундай кунларнинг бирида "Шарқ юлдузи"ни варақлаяпман. Анвар Обиджон деган шоирнинг (ўшанда бир кун келиб Анвар ака билан адабий давраларда бирга бўлиш, кўча-куйда илиқ саломлашиш, кўз тегмасин, ака-ука бўлиб юриш хаёлимга ҳам келмаган эди) шеърини ўқий бошладим. Шеърни тугатдим. Журнални шартта ёпдим. Лабларим пичирлаяпти. Журналдаги шеър ёдим лавҳига кўчган, ҳозиргина бир бора ўқиганим сатрлар юрагимдан қуйилиб тушаётганди. Шеърда шундай мисралар бор эди:

**"...Ёв топтаган гул диёр учун,**
**Расво бўлган ор-номус учун,**
**Жангда ўлган дўст учун йиғланг,**
**Қолган дардлар чархнинг хазили..."**

Биров ўмганимга бир муштлагандай бўлди. Нафасим қайтди. Бу эркак бўлиб яшашим учун шеърий сабоққа ўхшаб туюлди. Ўзимча мушоҳада (агар шундай дейилса...) қилдим; тушунарли, диёримни душман таласа, бостириб кирса, сен паҳлавон аскар бўлсанг ҳам ноилож қолсанг йиғламоғинг мумкин. Ёнингда дўстинг шу жангда қурбон бўлса, йиғламоғинг мумкин. Тўхта, демак, диёрингни ёв топтагач, ор-номусинг ҳам расво бўларкан-да, расво бўлган ор-номус, Ватанингни душман қўлига ўтиши-ю, энг яқин одамларингнинг қурбон бўлиши билан баб-баравар экан-да. Демак, номуснинг топталиши олдида ҳамма бошқа дардлар чархнинг хазили – майда-чуйда дийдиёдан иборат эканда-а?

Орадан йигирма йил ўтди. Ҳар ҳолда оқ-қорани таниёлдим. Ўттиз бешга кириб қаламдан бошқа яқиним йўқлигини ҳис қилдим – худога шукр дейман, ёзганларимнинг бир қисмигина ҳозирча китоб бўлди, ҳар ҳолда нолимайман – куни етгач қолганлари ҳам дунё юзини кўради. Лекин, ўша болаликда безовта қилган саволга жавоб топдим. Қатъиятли жавобим шу: Номуссизлик ёмон. Ҳамма нарса, энг улуғ тушунчалар қўлдан кетгач, шулар қатори номусингни ҳам йўқотасан, сенинг бу ҳаётда ҳеч нарсанг (ҳатто ўзинг ҳам) қолмаган бўлиб чиқади. Ёки аксинча, номусингни йўқотгач, қолган ҳамма муқаддас нарса ва тушунчалардан айриласан.

## ИЛДИЗИМИЗ ТУТАШГАН МЕҲВАР

Номусли одам ҳеч қачон ўзини, ўзгани сотмайди. (Қайси маънода тушунсангиз тушунаверинг...) Чунки у ўзи ва ўзга баҳосини номус қадар деб билади. Номус эса бебаҳо. Номус сотилмайди. Номуссизликдан хиёнат, хоинлик, манфурлик келиб чиқади. Номусини сотган одам ҳамма нарсани сотиши мумкин – ўзини, яқинларини, тавба қилдиму, ҳатто халқи, миллати, Ватанини ҳам. Оғир бўлса ҳам айтайин, миллатингда номуссиз кимса бўлса, уни шу миллатга мансублиги Сени ҳар қандай кўйга, ҳа, аянчли кўйга солиши мумкин-а, агар сен буни англай билсанг, англашга журъат қилсанг.

Номусли одам, ҳеч қачон ўзини бировга оёқости қилдириб қўймайди. Шундай экан номусли одам ўзини асраб қолади, ўзини ҳеч кимга хор қилдирмайди. Ўзини хор қилмаган киши эса, албатта, оиласини, яқинлари, ҳамқишлоғи ёки овули, элати, миллати, халқи, юртининг шаънини ҳам ҳимоя қила билади. Ана шу қутлуғ тушунчаларни деб ёв билан ор талашади, душманининг кўзига тик қарайди, кўрқоқлик қилмайди, паст кетмайди, ялоқ олдида думини ликиллатган кучук ҳолига тушмайди, мутелик сиртмоғини бўйнига илмайди.

Номусли одамнинг юртини тортиб олмайдилар, шу юртга чўзилган қўлларни қайириб ташлайди у. Номусли одамнинг миллатини ҳақорат қилолмайдилар, ҳақорат сўзини айтган тилларни шартта суғириб олади номусли одам. Номус – шахс бўлиб шаклланишнинг меҳвари. Ана шу меҳварга инган нур у.

Номус инсоннинг ўзлик томирини асраб, ўраб, ҳимоя қилиб турган дуру жавоҳирданда аъло товланган зирҳ. Унинг дарз кетиши мумкинмас. Агар унга дарз кетса, одамгарчилик емирилади. Одамгарчиликнинг емирилиши нима, нечук фоже эканлиги хусусида обдон тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак.

## ҚИЁС

Инсонга кўп нарса керакмас; оёғи остида бир парча ер, бошида осмон. Офтоб. Худо берган ризқ. Етади шу. Лекин инсон ўзида шакллантириши лозим бўлган туйғулар ҳам мавжуд. Агар ана шу туйғуларни ўзида уйғота билса, бу дунёи дунда одам бўлиб яшай олади.

Билмадим, нечоғлик ҳақман, мен инсонни улкан дарахтга ўхшатаман. Шохлари тарвақайлаган дарахт. Яна ўша бақувват шохларининг ҳар бирини ўзимча қиёслайман ҳам – дарахтнинг (инсоннинг) шохларига ном қўяман; уят, ор, виждон, меҳр, оқибат, саховат, қадр... ва ҳоказо. Хуллас, ана шу бесаноқ шохлардан бири синиб тушган тақдирда шу дарахт, яъни, инсонийлик дарахти қурийди.

Миллат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин... Миллат инсонийлик дарахтлари боис гуркираб, гуллаб, яшнаб турган боғдир. Бу боғ яшноқ дарахтлар туфайли файзли ва хушчаман бўлса, миллат ҳам ҳар жиҳатдан тўкис, камолга етган инсонлар туфайли қудратлидир. Ҳаёт саҳнасида ўз мавқеини тиклаб олган миллатни тутиб турган тиргаклардан бири бу инсоният учун ноёб хислат саналган номуслилик, оркашлик фазилатидир.

## ЎЗДАН АЙРИЛМОҚ ЁМОН

Беномуслик ўлимдан ёмон. Беномус деган ном олгандан кўра ўлиб қўя қолган афзал. Беномусга ҳамма яхшилик эшиклари тақка-тақ ёпиқ. Ундан кишилар ўзини олиб қочади. Ҳазар қилади. Номусини йўқотмоқ – номини, исмини йўқотмоқ дегани. Номсиз, исмсиз одам бўлиши мумкин эмас, демак, номуссизлик-номсизлик, исмсизлик одамгарчиликдан чиққан, элдан айрилганларга нисбатан айтилади. Аввало, ёқа ушлаб, тавба қилиб айтиш керак, ўғлимиз ё қизимиз, бирор жигаримиз шармандали, ҳунук иш қилиб қўйса, елкамиз титраб куйинамиз. "Номусга ўлдирдинг. Ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам яхшийди...". Шарманда-ю шармисорларни беномус деб қарғаймиз. Инсон ҳар қандай дўқ-дўписани кўтариши мумкин. Ҳар қандай зиёда-зилликни кўтариши мумкин. Лекин унинг номусига тегадиган, ориятини қўзғайдиган зуғумга, зулмга дош беролмайди. Ҳа, агар у инсон бўлса шундай қилади. Бу нисбатни бутун бир миллатга нисбатан ҳам қўлласак бўлади.

## ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Кўрган бўлсангиз керак; телевизорда намойиш этилган эди. Шукур Холмирзаевнинг "Қора камар" деган пьесаси бор. Диалоглар тирик. Асар миллат учун озодлик тириклик эканлиги, ҳаёт қадар қадрли эканлиги ҳақида. Эсингиздами, шундай бир эпизод бор асарда: пьеса қаҳрамони Ҳуррамбек (уни ким деб атасангиз ихтиёр ўзингизда, босмачи дейсизми, кўрбоши дейсизми...) фикри бузилиб, "шўролашаётгани" учун норасида ўғлидан ҳам воз кечишга тайёр. У даҳшатли аҳволга тушади, ёнидаги курашдошларидан бирига шу мазмунда сўзлайди, яъни, дунёда боладан ҳам азизроқ нарса борлигини таъкидлайди. Хўш, у нима? Бу – миллат. Миллатнинг озодлиги. Ҳуррамбек елкасидан тутини чиқиб давом этади: "Бир парча нон бериб, шўро сенларни итдай эргаштириб олди-ку?". Ҳа, нондан-да, сувдан-да қимматлироқ, бир тушунча миллат номуси, миллат шаъни борлигини озодликпарвар бобомиз, хўп чиройли қилиб айтадики, беихтиёр вужудингиз жимирлаб кетади.

## "ДУНЁГА ЧИҚҚАН" АЁЛ

Танишларим ичида бир аёл бор. У ўзини менга ҳамкасб деб билади. Мен эса ундай деб ўйламайман, у на журналист, на шоир-ёзувчи. Иш қилиб оввора-ю сарсон бўлиб, умрини қоғоз қоралаб ўтказаяпти. Бир куни қўнғироқ қилиб қолди. "Янги асар ёздим, - деди. - Раз дунёга чиқаяпмиз экан, дунёвий бўлишимиз керак. Асар, бугунги ўзбек аёли, замон, яъни жаҳон талаби даражасидаги аёл..." Қулоқларимга ишонмайман. У эса давом этади: "Қишлоқдан чиқиб, дунёнинг Лондон, Париж, Римларида юриб, дунё маданияти, аниқроғи, Европа аёлига айланган аёл ҳақида. Кийиниши, юриш-туриши, ўй-қараши, хуллас, бари-бари бугунги замон аёли...". "Ўл-а", дедим ичимда. Нима дейишимни билмай қолдим. "Хўш, қалай, яхши йўл топибманми?.." "Қаҳрамонингизнинг ўзбек аёли эканлигини қандай қилиб биламиз?", деб юбордим. Жавоб шу бўлди: "Ана – асарларимизга тор доирада эмас, дунё миқёсида қарай олмаяпмиз...". Аҳ, нодон аёл-а? Ички бутунлигимиз шарқона туйғулари дунё билан "бўйлашмоқ" бўлган ўзбек аёли, миллатимиз маданияти, маънавиятини қандай англасин? Бундай "қаҳрамон"ни ғарб барибир қабул қилмайди-ку... Ҳар қандай асар миллийликнинг энг олий чўққисига чиққандан сўнггина, дунёвийлик сари "тушиб" келмайдими?

Бугун Европа очиқ-сочиқ, порнографик асарлардан, фильмлардан чарчади. Санъат дағаллашиб бормоқда. Аёл ҳусни, тароватi, эзгу ҳиссиётлари, софлик ва муҳаббат тушунчалари ўта жўн тарзда дунё экранларига олиб чиқилмоқда, саргузашт китобларга муҳрланмоқда. Лекин, бир нарса, номус, қадр-қиммат, аёлнинг аёллигини англатувчи улуғ тушунча эканлигини, керак бўлса, дунёга айтишимиз лозим бўлиб турибди. Очиғи, кўплаб европаликларнинг ўзи яримяланғоч цивилизацияларидан кўра бизнинг шарқона одобимизга мойиллик билдиришаяпти-ку! Қизиқ, шундай бир пайтда, ҳалиги таниш аёлнинг гапини қаранг, китоб ёзибди, унингча аёлни дунёга олиб чиқиш керак... Бозорга демайсанми, аёлни бозорда кўз-кўз қилиш керак демайсанми, нодон. Шундоғам, дунёнинг ўзи хонадонларимиз, урф-одатларимизга сукулиб кира бошлаяпти-ку?..

Номусли оила, номусли хонадон, номусли ҳаёт ҳалолдир. Номус – инсондай ҳалол яшаш, турмуш тарзимизни инсон бўлиб давом эттазиш, инсон бўлиб фаолият юритишимиз мезони.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## ЛУИС ЯНА ЖАНГГА ЧИҚАДИМИ?

***Оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони Буюк британиялик Ленокс Луис шу йил охиригача жанг ўтказмаслигини маълум қилган.***



Унинг июн ойида украиналик боксчи Виталий Кличкога қарши ўтказган жанги охиргиси бўлди. Хабарингиз борки, жанг олтинчи раундда Луис ғалабаси билан тугаган эди.

Чемпионнинг тренери Эманузл Стюарднинг "Daily Express" рўзномасига берган интервьюсида Луис бу йил рингга чиқмаслигини, у ҳатто боксни тарк этиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Кличко шу йилнинг декабр ойида Луисни реванш жангига чақирган эди, бироқ Луис айрим баҳоналар билан жангдан бош тортган.

## ШТУТГАРТДА МОТОР-ШОУ

***6 ноябр куни Германиянинг Штутгарт шаҳридаги Даймлер Крайслер заводида анъанавий йиллик "Mersedes Stars and Cars" мотор-шоуси бўлиб ўтади.***



Унда "Mersedes Benz" пойгачилари Бернард Шнайдер, Кристиан Альберс билан бир қаторда Формула-I чемпионларидан Кими Райкконен, Девид Култхард ва бошқа номдор пойгачилар ҳам иштирок этишади.

Йиғилган томошабинлар Формула-I автопойгаларида энг хавфсиз деб эътироф этилаётган янги "Mersedes -Benz SLR McLaren" ва "Mersedes SLR"нинг 50-йиллардаги нусхаларини кўришлари мумкин.

**"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди.**

## ИШОНЧ

***Жанубий Кореяда Осиё минтақаси давлатларидан ташриф буюрган дзюдо спорти мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда Марказий Осиё давлатлари спортчиларининг қитъа биринчилигига тайёргарлиги масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, Ўзбекистон дзюдо федерациясидан Багдасаров Осиё дзюдо федерациясининг президиуми аъзоси этиб сайланди.

## ЭНДИ ИМТИҲОН БОШҚАЧА

***Яқиндагина футбол бўйича ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоаларининг Осиё чемпионати саралаш баҳслари бўлиб ўтган эди.***

Ўзбекистонлик футбол мухлисларини яна ажойиб ўйинлар кутмоқда. "Пахтакор" ҳамда "Жар" ўйингоҳларида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларида Ўзбекистон, Сян-Гань (Гонконг), Таиланд ва Тожикистон терма жамоалари иштирок этадилар. Мамлакатимизнинг биринчи терма жамоаси иштирокидаги ўйинлар "Пахтакор" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унда 10 нафар спорт устаси ҳамда 22 нафар спорт усталигига номзодлар ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Ғолибликни Екатерина Бабина ва Марина Сержантовалар қўлга киритишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## "ПОП-ФЕН" – ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

***Ўзбекистон биринчилиги иккинчи лигасининг Наманган вилояти минтақасида иштирок этаётган жамоалар бу йилги футбол мавсумини якунлашди.***

12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда чемпионлик учун кураш олиб борди.

Гуруҳларда биринчи ҳамда иккинчи ўринни қўлга киритган жамоалар иккинчи босқичда вилоят чемпионини аниқлаш учун ўтказилган баҳсларда майдонга тушдилар. Ҳал қилувчи ўйинни кўтаринки руҳда ўтказган Поп туманидаги ўзбек-турк қўшма корхонасининг "Поп-ФЕН" жамоаси вилоят чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлиб, биринчи лигага бериладиган йўлланмани учун саралаш тур баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ**

# ҲАЁТ ДАРАХТИ

***Табиатда инсон соғлиги учун фойдали бўлган шифобахш ўсимликлар беҳисоб. Жийда дарахти ва меваси ҳам табиатнинг ана шундай бебаҳо неъматларидандир.***

У халқ табобатида турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда қадимдан қўллаб келинади. Афсуски, кейинги йилларда жийда майдонлари кескин қисқариб кетди. Илгари Хоразм қишлоқларидаги жийдазорларни кўриб, кўзингиз қувонарди. Бугунга келиб эса... жийдазорларнинг қисматидан беихтиёр ачиниб кетасиз.

Қишлоғимиз, йўл бўйларидаги қатор-қатор жийдазорлар кўз ўнгимда намоён бўлади. Биз болалар пахта териб қайтаётганимизда йўл бўйларидаги жийда дарахтларига чиқиб тўйгунча еб, уйга қайтардик. Ҳозир ўша қатор-қатор жийдазорлардан ному нишон қолмаган.

Шифокорлар ёки табиблар (беморларга, ёш болаларга) жийда истеъмол қилишни тавсия қилишса, уни катта бозорлардан ахтариб, топа олмай хуноб бўламиз. Кўпинча, топилганига шукр қилиб, айтилган нархда олишга мажбурмиз.

Жийда мевасини қаҳатчилик, уруш йилларида ёш болалар нон ўрнида истеъмол қилганини, у ҳаёт дарахти эканлигини кекса боболаримиз, момоларимиз кўп бора айтишган.

Жийданинг бўйи 8-10 метргача етади. Унинг ер юзида 40 дан ортиқ тури мавжуд. Меваси таркибида 40-67,8 фоиз қандлар, жумладан, 16-44,6 фоиз фруктоза, 18-32,8 фоиз глюкоза, 36 фоизгача танидлар, 0,44-2,46 фоиз органик кислоталар, витамин С, минерал тузлар, баргида 251,6-350,0 мг витамин С, гулида 0,2-0,3 фоиз эфир мойи, пўстлоғида алкалоидлар (элеагнин, тетрагидрогармол, метил тетрагидрогармол) бор. Жийда меваси серқанд бўлгани учун ундан юқори сифатли спирт олинади. 100 килограмм жийдадан ўртача 27-28 литр спирт чиқади. Жийда меваси ёки мева қайнатмаси халқ табобатида меъда-ичак касалликларида (ич кетганда, айниқса болаларда), юқори нафас йўллари шамоллашида қўлланилади. Меваси организмни мустаҳкамлаб, қувват бағишлайди.

Замонавий табобатда жийда препарати яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Илдизларидан тайёрланган экстракт тажрибада қон босимини пасайтириб, юрак ишини жонлантирган. Жийда меваларидан "Лохтон", "Лохпектан", "Пшатин" препаратлари тайёрланади. Булар меъда, ичак йўлларининг яллиғланиш касалликларига даво, шунингдек стоматитлар, гингивитларда оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади. Гулларидан сувда, спирт ва мойда тайёрланган экстрактлари шамоллаш касалликлари, гипертония ва юрак иши сусайиб қолган ҳолларда, эфир мойининг ҳиди юрак ишининг яхшиланишига ёрдам беради. Дарахт танасидан олинган елим фармацевтика амалиётида эмульгатор сифатида ишлатилади. Елими гилам тўқишда, газлама саноатида ип бўяшда ҳам кенг қўлланилади.

Жийда тупроқ танламайди. Дарё бўйлари, тўқайларда асосан ёввойи жийдалар ўсади. Маданий навлари эса томорқа майдонлари, йўл ёқалари, ариқ бўйларида ўстирилади. Жийда ўсиш шароитига унчалик талабчан эмас, тупроғи ортиқ даражада нам бўлган, сизот сувлари юза турган, пастқам ерларда ҳам ўсаверади. Шунингдек, қурғоқчилик шўрхоқ ва совуққа чидамли. Шу туфайли уни шўртоб ва зах ерларга, қумликлар, жарликлар, дарё бўйларига экиб ихотазорлар барпо этиш мумкин.

Ҳозирги кунда Орол муаммоси долзарб масалага айланиб улгурди. Кучли эсган шамоллар туфайли Оролдан кўтарилаётган чанг-тўзонлар, тузлар нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатларигача етиб боряпти. Ачинарлиси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти экин майдонларининг 70-80 фоизини яроқсиз ҳолга келтирган. Бунинг олдини олиш учун яқин ерларга жийда ва бошқа қурғоқчиликка чидамли дарахтлар экиб, "яшил қалқон" бунёд қилиш ва шу тариқа кучли шамолларда кўтарилаётган туз-қумларни қайтариш вақти аллақачон келган.

Тажрибалардан маълумки, жийдани кўпайтириш учун кўп вақт кетмайди. Жийданинг уруғига нисбатан қаламча тарзида кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Қаламчалар кеч кузда ёки қишда тайёрланади ва худди ток навдаси каби март ойининг бошларида ўстириладиган ерларга ўтқазилади. Қаламчадан ўстирилган жийда 3-4 ёшга кирганда тупидан 2-16 килограмм, айримларидан 50 килограмм мева ҳам олиш мумкин.

Табиатнинг бебаҳо туҳфаси бўлмиш, жийдаларни кўпайтириб, жийда ихотазорлари барпо қилинса нур устига аъло нур бўларди.

**Марҳамат МАТВАФОЕВА,**
**биология фанлари номзоди.**




Б. АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

# "СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ"

(Боши 1-бетда)

– Биргина 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида "Оқдарё" ширкат хўжалигининг Тортувли қишлоғида ўзига беш минг нафар томошабинни сиғдирадиган футбол ўйингоҳи, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Худди шундай имкониятлар "Янги қишлоқ" маҳалласида ҳам яратилди. Рофе Ҳамроев номли ширкат ҳудудида футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонларидан ташқари, теннис корти, енгил атлетикачилар учун чопиш йўлакчалари бунёд этилди. Ҳозирги пайтда барча ширкат хўжаликларида спорт иншоотлари қурилиши давом этмоқда.

-Фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари фақат суппайиб тургани йўқ, - дейди шу туман ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт бўйича жамоатчилик кенгаши раиси Бурхон Умиров. – Маҳаллаларaро турли мусобақалар уюштириб турибмиз. Ҳозир ўсмирларнинг барчасини бирдан спортга тортиш мушкул. Шунинг учун катта ёшдаги фуқароларни ўйинларга жалб этиб, болаларда қизиқиш уйғотмоқдамиз. Масалан, октябрнинг сўнгги кунларида туман марказидаги "Наврўз" маҳалласида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил топганлигининг бир йиллигига бағишлаб шоҳмот мусобақасини ўтказдик. Турли ёшдаги фуқаролар қаторида 30 дан ортиқ ўсмирлар ҳам иштирок этишди. Туманимиз "Матлубот савдо" ташкилоти ҳомийлик қилиб, айниқса яхши натижалар кўрсатган болаларга эсдалик совғалари тарқатди.

Қувончли томони шундаки, қишлоқ жойларда катта-кичик спорт мажмуалари ҳам бюджет маблағи, ҳам ҳашар йўли билан барпо этилмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар чиндан ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Аксарият туманларда шахсан туман ҳокимларининг масъуллигида янги-янги ўйингоҳлар вужудга келмоқда.

Кўҳна Самарқанд шаҳрида ҳам халқаро андозаларга жавоб берадиган йирик ёпиқ спорт мажмуаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, янги улкан футбол ўйингоҳи қурилаётгани юқоридаги фикрларимизни исботлайди.

-Сурхондарёда ҳам жорий йилда 6 та спорт мажмуаси болалар ихтиёрига топширилиши кўзда тутилган, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг директори Баҳром Ҳамроев. – Деновдаги Оқлар, Сариосиёдаги Чароғон, Қумқўрғондаги Бачара, Қизириқдаги Янгийўл, Жарқўрғондаги Навоий қишлоқлари болакайларининг қувончига қувонч қўшилади.

Филиал директори 6 та йирик спорт мажмуалари хусусида фикр билдирди. Бироқ, туманларда саховатли ҳомийлар ҳимматы билан вужудга келаётган ўрта ва кичик ҳажмдаги иншоотларни айтмайсизми?

-Жуда қисқа муддатда Амир Темир номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Хитоян" маҳалласида "Лочин" фермер хўжалиги томонидан ҳажми 112 миллион сўмлик "Лочин" спорт мажмуаси, Денов шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мирзаев номли МЧЖ ва ХАТП-21 ташкилотларининг беғараз кўмагида эса "Гулистон" маҳалласида қиймати 463 минг сўмлик иншоот қурилиб, ишга туширилди, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Денов тумани етакчи мутахассиси Аҳрор Умаров. – Шунингдек, "Холчаён", Бобур номли ширкат хўжаликлари фермерлар билан ҳамкорликда ўз ҳудудларида мажмуалар барпо этишди.

Мамлакатда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарори чиққанига дарҳақиқат бир йил тўлди. Бу ҳужжат аслида ўнлаб йиллар мобайнида халқимизнинг юрагини ўртаб келаётган орзу-ҳавасининг рўёбга чиқишига бир туртки бўлди, холос. Шунинг учун бўлса керак, мазкур қарорнинг ижроси барча жойда бирдек оммавий тус олди.

Болаликда тош, асфальт кўчаларда оёқяланг тўп тепардик. Кимнингдир тирноғи қўпорилган, кимнингдир панжаси синган, оёғига мих, сим, чўп кирган, тузукроқ спорт кийимларига ҳам ёлчимаган ўша ўсмирлик чоғларимиз билан ҳозирги болаларни таққослайман. "Сизларга ҳавас қиламан, укажонлар" дегим келади. Улар учун гектарлаб ер ажратилиб, шинам-шинам ўйингоҳлар, очиқ ва ёпиқ мажмуалар қуриляпти, спорт кийимлари ишлаб чиқарилаяпти. Биргина шу эътиборнинг ўзи ҳам давлатимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагидан дарак беради.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 15 февралда "Сервис-5" корхонасига берилган ХШ № 000640 (рўйхат рақами № 634/04) рақамли чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирообод тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йил март ойида Абидова София Раджабовнага берилган № 243 рақамли товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари ҳамда АА-8 № 28291 дан № 29000 гача, № 12351 дан № 12400 гача, № 12401 дан 12450 гача бўлган чек дафтарчалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қибрай Агротижорат касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж директори Рўзимат Анорметовга падари бузруквори **АНОРМАТ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г- 0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3456

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com